



1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ADABIY-BADIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIY GAZETA

2022-yil 30-dekabr / № 52 (4711)

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномаси санъат аҳли томонидан катта қизиши билан қарши олинди. Мурожаатномада кўтарилиган масалалар, уларнинг ечими ва келажакдаги юқсак режалар ҳар бир ватандошимизнинг фаровон яшаши, ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва маънавий баркамол бўлиб ўсиши, жадал ривожланаётган замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш йўлида хизмат қилишига қаратилган. Ижтимоий-иктисодий тараққиёт, таълим тизимидаги инновациянг фояларининг амалга тадбиқ этилаётгани, спорт, маданият ва санъатда эришилаётган ютуқлар юртимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилиганидан далолат беради.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, тараққиёт – фақат ва фақат жасоратли меҳнат орқали бўлади! Фидойилик, юрт равнави учун қилинадиган жасорат вақти келиб, албатта, ўз самарасини кўрсатади. Ўтган қиска давр мобайнида эришилаётган ютуқлар қаторида давлатимиз раҳҳари келажакда бажарилиши лозим бўлган ишларга ҳам алоҳида тўхтаби ӯтдики, бу мустақил дав-

фаолият доираларининг бирлаштирилиши кейинги беш йил давомида эришиладиган мақсадлар йўйидаги асосий қадамлар этиб белгиланди.

Президентимиз томонидан маъмурӣ ислоҳотлар доирасида илгари сурйлган муҳим ташабbuslar ҳам диккатга сазовордир. Юртбошимизнинг Самарқанд ва Наманганд шаҳарларини мегаполис сифатида ривожлантириш, уларни алоҳида маъмурӣ-худудий бирликлар қаторида республика бўйсунувига ўтказиш таклифи вилоятлар мақомини кўтаришига, бир миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қўливучи худудларни халқаро туризм, бизнес, саноат, тадбиркорлик, таълим ва маданият соҳаларида минтақавий марказга айлантириша кенг имкон юратади.

▶ 2 МУНОСАБАТ

## БОБОЛАРДАН МЕРОС БУРЧ

Жадид боболаримиз тил ва міллат учун қанчалик қайғурган бўлсалар, бугунги кун зиёлларининг міллат олдидаги асосий бурчи ҳам тилнинг тараққиётига хизмат қилишдан иборатdir. Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ҳам жадидлар, ҳам тил масаласи тилга олингани бежиз эмас. Бунда тилнинг міллий ўзлік тимсоли ва маънавият асоси сифатидаги етакчи хусусиятлари алҳоҳида таъкидланган. Ёт маданиятлар, бегона одатлар тасири сезилаётган бугунги кунда ёш авлодга міллий ўзлік тушунчасини сингдириш нюхояда мухим аҳамиятга эга. Зеро, ўзлигуни ўйкотган инсонда на міллий гурур, на шаън бўлади. Міллий ўзлік инсоннинг ўз миллатини таний билишини ва ўзи унинг бир кисми эканлигини англатади. Миллатнинг ўзлигини ифодаловчи белги бу, шубҳасин, тилдир. Инсоннинг маънавияти, аввало, тилда намоён бўлади. Мурожаатномада “Міллий ўзлігимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади”, деб таъкидланади. Ўзбек тилининг қадрини янада юксалитириш бу тилдаги манбаларни кўпайтириш билан амалга ошиди. Хорижий тилларни билиши – бу ютуқ, инсоннинг ўз она тилини бўлмаслиги эса оғир ютизиқидир. Инсон қайси тилини ўрганмасин, қайси тилда сўзламасин, ўз она тилини севиши, ардоклаши унинг міллий ўзлигини теран ҳис этишидан далолатидir.

Мурожаатномада ўзбек тили ҳақида айтилган фикрлар тил бўйича қилинадиган ишларни янада ривожлантириш учун ўзига хос турткни бўлади, деб ўйлайман. Чунончи, кирил ёзувидан тезроқ потин ёзуving ўтиш, интернет платформаларида ўзбек тилидаги

маълумотлар базасини кўпайтириш зарур. Бугун тилнинг нуғузи учун яна бир амалий ҳаракатга эҳтиёж бор. Бу ўзбек тилидаги илмий манбаларни кўпайтириш ҳаракатидир. Дунё олимлари тан олган илмий ва илмий-оммабод адабиётларни ўзбек тилига таржима қилиш бўйича давлат грантлари ажратилса, маҳсус танлов эълон қилинса, бу тилимиз равнави учун фойдало иш бўларди. Фанларга оид илмий китобларнинг ўзбек тилига таржима қилинши тилдаги илмий маълумотлар заҳирлансан ошишга катта хисса қўшади.

Мурожаатномада жадидлар тарихини янада чукурор ўрганишга даъват этилган: “Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-мавриғат, инсон эркинлиги, халқ озодиги, Ватанга, міллий қадрияларга мөхр ва садоқат foяларини дадил кўтариб чиқкан жадид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганишсимиз лозим. Уларнинг улуг максадларни йўйидаги мардона кураши ва фидойилиги янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур”. Жадидлар тип масаласини міллатнинг ўзлигини намоён этувчи бош восита деб билишган. Шундай экан, зиёлларнинг ўзбек тили ривожига хизмат қилиши жадидлардан мерос бўрудир.

Хуршид СЕРОБОВ,  
Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридан  
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти  
кичик илмий ходими



## Кор қўшичи

ШЕЪРИЙ ЛАХЗА

Лахза тиним билмай кутдим бу кунни,  
Бугун орзуларим, мана, ушалди.  
Сен атайин ухлаб ўтказдинг тунни,  
Мен-чи ёғавердим, мен-чи тўшадим.

Бўронларда елиб, ҳовлингга келиб,  
Уйингни айланниб кездим жон ҳалак.  
Ниҳоят, ниҳоят, уйғотдим сени,  
Деразанга бўлиб гирдикапалак.

Ёндуга кўмилди бедор хисларинг,  
Улар боис бўлди оппок фахримга.  
Оҳиста-оҳиста босган изларинг  
Ўйилиб-ўйилиб қолди бағримга.

Истасанг, дўстингга от. Турибман шай.  
Ахир нечун бундан қиласай орлар ман.  
Севиб, шодлигимдан осмонга сигмай,  
Сенга зорлар бўлиб ёғган қорлар – ман.

Мен учиб қўнайн, сен кувна ял-ял,  
Сен сира қимлаган шодники канда.  
Кечир кўз ёшингга ўхшаб кўйсам сал,  
Кипригингга аста қўнаётгандан.

Шодлигингга қисқа умримни бероб,  
Оҳ-ғифон қилмасдан, нолимасдан, жим  
Аста ер қъирига кетаман эриб,  
Сенга атаб гуллар юбориш учун...

Матназар АБДУЛҲАКИМ

## СОКИН СУҲБАТЛАРДАН БИР ШИНГИЛ

Физика-математика фанлари номзоди, доцент Мукаррам Муҳитдинова Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова билан бир мактабда ўқиган. Уларнинг дўстлиги мактабдан сўнг ҳам давом этди. Ўз соҳасининг фидойиси бўлган ҳар иккала аёл ҳамон дўстликка содиқ қолиб, дилдан суҳбатлашиб туришади. Шундай мuloқotлар ҳосиласи ўлароқ М.Муҳитдинованинг “Сокин суҳбатлар оғушида” номли китоби дунё юзини кўрди. Қуйида шу китобдаги суҳбатларга ҳамоҳанг яна бир суҳбатни ўтиборингизга ҳавола қилаяпмиз.

– Рихсион, кечагина таваллудингизнинг 80 илллиги муносабати билан китоб чиқариш тараддуиди югуриб юрган эдик. Шунга ҳам беш йил бўлиби. Бу орада қанчадан-канча орзуларимиз ушалди, юртимиз бутун дунёга “Янги Ўзбекистон” бўлиб танилди. Сиз қарийб олтмиш етти йилдан бўён саҳнада кўплаб улуғ санъаткорлар билан биргаликда турли даврларни бошдан кеирган, талай образлар яратган “тирик тарҳи”сиз.

Яқинда “Севимли” телеканалидаги “Эслаб, эслаб...” кўрсатувининг ҳаётингизга бағишиланган сонини кўриб, Сизга кўрсатилгаётган хурмат-эҳтиромдан кўнглум кўтарили. Сўзларингизни тинглар эканман, “Ҳар доимигдек, Рихсионнинг ўз чиқишлиарини жиддий баҳолаши ҳали ҳам қолмабди-да”, деб ўйладим.



5

Абдулла Қодирий уй-музейига кираверишда чап томонда, бостирма остида антиқ арава бор. Одам бўйидан баланд улкан гилдираклари, айниқса, диққатни тортади. Лавҳада ўзбек, инглиз ва рус тилларида шундай ёзилган: “1852 йил баҳор ойида Мирзакарим кутидор, Офтоб ойим ва Кумушбиби Марғилондан Тошкандга – Юсуфбек ҳожининг ҳовлисига шуравада келишган эди”.

## КУМУШБИБИННИГ АРАВАСИ

Ушбу лавҳа ва арава атрофидаги доимо қизғин баҳс-мунозаралар кечади: “Ростдан ҳам шу аравада келишганми? Марғилондан Тошкентгача неча кун юрилган? Йўл машакқатлари қандай бўлган? Олис йўлга чиқкан “тўй карвони” ҳеч курса нега иккى-уч арава бўлмаган? Мирзакарим кутидордек бой одам бундан кулайроқ улов (нақлиёт) топа олмаганин? Умуман, ўтган асрда юртимизда тараққиёт қай ахволда эди?”

Хар хил касб эгалари ва турли ўшдаги одамларнинг фикр-мулоҳазалари мос равишда, турфа хил бўлади. Масалан, мұхандислар, ҳарбийлар ва талаба-়ашларни арававинг ясалаши усулни ва “техник тавсифи” қизиқтирса, хотин-қизлар дикватини “Кумушбибининг сепи келган” аравадаги сирли сандик кўпроқ тортади.

Албатта, улуғ адиб асаридан севимли қаҳрамонлар бадий тўқума булиши мумкин, шунингдек, музейдаги арава ҳам “асл нусха” эмас. Уни марғилонлик моҳир уста Ақтамжон Раҳматиллаев ва шогирдлари тарихий манбалар асосида ясаб, музейга тақдим этишган. Аммо ушбу осори-атика атрофидаги ҳаяжонлар – ҳақиқий, баҳс ва мулоҳазалар, қизиқарли фикрлар – жуда мумхи.

▶ 4

## ЭРКИН ВОҲИДОВНИ ЁД ЭТИБ...

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов таваллуд топган сана муносабати билан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган шахмат бўйича хотира турнири Хуршид Дўстмуҳаммад, Азиз Саид, Муҳиддин Абдулсамад, Маъмурда Шодири, Дилобар Маматова сингари ижодкорлар иштироқида кечган кизғин баҳсларга бой бўлди. Айниқса, шахмат усталари Комил Синдоров ва Ислом Синдоров ҳакамлик қўлган мусобақага алоҳида нуфуз бағишилади.

– Эркин аканнинг нафакат ўзбек адабиётига, шахматга ҳам меҳри бўлакча эди, – деди ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад. – Ушбу анъанавий турнир шоир номини абадијалаштириш, ёзувчи, шоирлар ўртасида ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишида мумхим ўрин тутади.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ботир Эргашев, “Нуроний” жамғармаси раиси ўринбосари Шарофиддин Убайдуллаев мустакиллик йилларидан шахмат бўйича жаҳон чемпионларни етишиб ҳикжатни ўтироф этиб, бу мамлакатимизда спортга, хусусан, шахматга, ёшларни кўллаб-куватлашга алоҳида ўтибор қаратилганидан далолат эканини таъқидлашиб.

Тадбиг давомида Эркин Воҳидов хаётни ва ижодига бағишиланган ҳуҗжатли фильм номайиш этилди, “Инсон ўзини”, “Сайланма” китоблари тақдимоти ўтказилди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Сироқиддин Сайид, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Фағиров, академик Акмал Саидов, тарих фанлари номзоди Абдулжаббор Абдувоҳидов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, “Жаҳон адабиёт” журналини бош мухаррири Аҳмаджон Мелибоев ва бошқалар Эркин Воҳидовнинг бетакор шеърий, драматик асарлари, таржи-малари, ҳофизлар томонидан кўйланадиган мумтоз газаллари ўзбек халқининг қалбидан чуқур жой олганини таъқидлашиб.

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД



## Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА



ЯНГИ ЙИЛ

Шодлик деворларин йиқитасин фам, Вафо улгайтирсан дўстлар кўнглини. Юлдузлар сочилсан корли йўлларга, Ташвишин артисин кўзи мунглини.

Меҳрдан бебаха бўлмасин бемор, Баҳтига етишин, излаган инсон. Севишганлар кўнгли бўлсину пайванд, Номардлар зарбиға бўлмасин нишон.

Омади юришишн ишбилармоннинг, Фанимлар эл бўлсин, низо йўқ бўлсин. Юрт бошида офтоб сочаверсин нур, Эртадан оналар кўнгли тўк бўлсин.

Орзулар юксалсин, юрак розида, Бургут қанотида, алплар отида. Ҳар эзгу иш учун мардлар кўлайсин, Оқибат бўй ҷузин тоглар ортида.

Маърифат кўёши хонадонларда, Таратсин ҳәтнинг пок нурларини. Қалбларда жуш урсин буюк тўйлар, Яратган ёдирисин сўз дурларини.

Дўстларим, дуга очинг кўлларни, Юртим обод бўлсин, баркарор бўлсин. Янги йил муҳаббат, баҳтлар келтиришн, Қалблар ифтихорга, меҳрга тўлспин!

## АЙНИ ҚИШ ЎРТАСИ...

Айни қиш ўртаси... ўртана жоним, Кунлар жуда қисқа, олис довоним, Умид бер, сўзлаги, ширин забоним, Баҳор сен билан де, баҳор сен билан.

Ҳар не ситам бўлса, саркаш қалб ёнсин, Булатлар кўшкида ҳилол тўлғонсин,

## СҮМБУЛА СОЙИГА ШЕҶРЛАР ОҚИЗДИМ

Босриқи туш кўрган боғлар уйғонсин, Баҳор сен билан де, баҳор сен билан.

Қор ёқкан кечалар кўнглингни кездим, Ичда ўт, ташда ўт, оловдан бездим, Сумбула сойига шеълар оқиздим, Баҳор сен билан де, баҳор сен билан.

Деразамдан бокар қирмиз атиргул, Мен баҳтли бўлганда, сен ҳам баҳтли бўл, Бирга сафар қўйдик, тугамасин йўл, Баҳор сен билан де, баҳор сен билан.

## ДҮНЁНИ ҚУТҚАР, АЁЛ!

Занлаган қиличлар кинидан чиқди, Заҳарли илонлар инидан чиқди, Ишонган одаминг йўлдан чиқди, Кўксингаг Тўмарис юрагини сол, Дунёни сен қутқар, қутқаргин Аёл!

Уруш майдонлари кенгдан кенг тортар, Одам ўз қавмини энг арzon сотар, Ҳавотирим – душман ортгандан ортар, Қурбонжон Доддоҳдан руҳинга куч ол, Дунёни сен қутқар, қутқаргин Аёл!

Боғингдан баҳорлар зор кетмасидан, Сийратингдан ифрат, ор кетмасидан, Ўз ҳолидан куйган ёр кетмасидан,

Бор умид-ишиончлар топмасдан завол, Дунёни сен қутқар, қутқаргин Аёл!

Саҳрода очилган лолалар ҳакқи, Кўчаларда сарсон болалар ҳакқи, Ҳудойим эшитган нолалар ҳакқи, Гуноҳга тавба қил, чукур ўйга тол, Дунёни сен қутқар, қутқаргин Аёл!

Қўёшга интилсанг, тошлар йўлнингда, Номардлар пайтойлар ўнгу сўлингда, Яхши-ёмон барси сенинг кўлингда,

Ўликка жонбахшdir тилингдаги бол, Дунёни сен қутқар, қутқаргин Аёл!

Уйғоқсан, келажак ҳам ўтмишингда, Юрт боғи яшнагай ёзу қишишингда,

Сабру тоқатингни тишилаб тишингда, Буюк оналарнинг қаторида қол, Дунёни сен қутқар, қутқаргин Аёл!

## ҲАЁТИМДАН КЕТМАНГ

Далалар отамини яхши кўради, Далалар онамни яхши кўради. Отам юзидағи буғдорянг нурлар, Онам кўқисидаги осмоний кўрлар, Ҳаётимдан кетманг, Ҳаёлдан кетманг, Шу аброр ҳолимни бот аброр этманг. Бошдаги рўймолим, артинг кўз ёшим, Таддигра тан бермас қалбада бардошим. Мен сунянган Ватан – отажонимга, Мен ишонган Ватан – онажонимга Мен ҳам сунянгудек бўлайн кўрон, Қалбдан ишонгулик бўлайн имкон. Фарзандларни кўмсар, соғинин тошар, Онам – Қашқадарё, гувиллаб оқсан. Гул ёшлигим кулган узумзорларга Отам – Кўш бобо, нурланиб бўқсан.

## ЮРАГИМ

Тун хобини очиб қўёшини кучдим, Ёшлигим ёмғирни кечди антиқиб. Шамоллар эгдилар ниҳолим қаддин, Илк баҳор тошларга қўйгандим экиб...

Умидимни сочсан изларингизга, Минг йил оят ўқиб сизни қилсан ёд. Тилимни кўйдирган сўзларингиздан – Юрагим тонгига тўкилди фарёд.

Англадим, кулбагма тушмас йўлингиз, Учи кетса ёддан ўт мисол изим. Минг йил ўтар, балки тилаб васлингиз, Толмас қаро кўзим, толмайди кўзим.

Кечирим сўранг Сиз, ўтган тунлардан, Кечирим сўрай Мен, ўтмас кунлардан. Сизнинг бахтигизни асраром учун, Бахтимга оғулар тутдим унлардан.

Тилимлаб-тилимлаб мурғак жонимни, Бокира тунларнинг кўксига осдим.

Хаёлим сиз томон ҷорласа тақор, Кафтими саксовул чўғига босдим.

Босдим, юрагимни қорларга босдим, Мен Сиздан ўзимни совутаман деб. Нетайки, ундан-да баттарроқ ёндим, Бемехр кўнглингиз берди музга зеб.

## СЕН КУТГАН КУН...

Тор хонада сўлмагин беҳол, Олиб чиқай сайри боғларга. Ҳур шамоллар кўрнганда завол, Ўзинг таскин бердинг тоғларга. Қай кун, ёруғ юз бўлгин, дэя Мисқол-мисқол сеплар йикқандинг. Увайсига қиз бўлгин дэя, Ўзинг секин четга чикқандинг. Хизматингда шай бўлай бугун, Кўрганинга тескин шамоллар. Сен қисматга кўнгандинг нигур, Энди сенга бўксин замонлар. Юзингдаги ажин, оқ сочинг Менга азиз, мен учун кўркам. Кел бағримга, кизинг бўлибмас, Онанг бўлиб қўчайин, эрам. Бу дунёнинг баҳтини териб, Эттиб берсан, этакларимда. Яна иссик нонлар ёпардинг Ҳакиқатгўй эртакларимда. Дардга эгма аёл бинингни, Ҳастаман, деб пинҳон чекма жон. Йўлга солиб ой-қўёшингни, Сен кутган кун келди, онажон... Сен кутган кун келди, онажон...

## УЧРАШУВ

Сен келмадинг, Мен ҳам бордадим, Шундай кечди юраклар жангги. Дудоглари титраб қорайди, Боф қўйнида севгимиз тонгиг.

Ой кўксига бози қўйиб, ғамнок Дейсан, севги ҳаётмас, ўлим. Мен-чи, ойдан олисга кетдим, Тушмасин деб сен томон йўлим.

Лекин, асл ҳақиқат тунлар Юракларга соларкан фулу. Бизни кутар оғлдинда интиқ Биз кутмаган буюк учрашув.

## Одина ОБИДЖОН қизи

БАРЧИНАЛАРГА КОНДОШ  
ҚИЗИНГИМАН

## ОСИЁ ЮРАГИ

Олиса қадалган бу кун нигоҳим, Кўкка бургутлардай бўйлагим келар. Шундай жаннатмакон юрт бор заминда, Уни юлдузларга сўйлагим келар.

Момолари туннинг момоси билан Тунда ҷарх ҳигириб, сирлашгани рост. Боболари куннинг бобоси билан Кафтирида буғдой улашгани рост.

Шундай бир макон бор, гулу гиёҳи Тангрига шукронга айтib туради. Кичик бир доини еган ҳар куши Улуг Байтуллоҳдан қайтиб келади.

Майлига, бўлмагин олим ё даҳо, Унумта, шу Ватан зарраси бўлгин. Аждодларинг кўйимиш имлга наров, Улар етолмаган мэрраси бўлгин.

Бу шундай маконидир, гўзлар бир бўстон, Уни хур малаклар этгандир ошён.

Сенга таъзимдаман, гўзлар онажон, Осиё юраги – эй, Узбекистон.

## ЧЎЛПОНИМ – ВАТАН

Кубролар кўкисида ҳайқирган туйғу, Темурлар тигида фурурим, Ватан. Қўйларидар саронг кечди кундуси, Армон аллалаган Бобурим – Ватан.

“Зижжи Кўрагон”да порлар юлдузи, Бобом Улубекдек султоним, Ватан. Қўйларидар дарсан кечди кундуси, Усмон Носирлару Чўлпоним – Ватан.

Сахиб бобо қўёш манглайн ўлган, Нон-тузи беминнат отамсан, Ватан. Яратган пок қалбин жаннатдан олган, Дуоси табаррук онамсан, Ватан.

Ватан бу, унумта, ору шаънингдир, Юрагинг эгизи, жону танингдир. Сўнгига дам ҳамроҳинг бўлса тупроғи, Умрингни безаган гузал онингдир...

Сенинг келажагинг, изингман, Ватан, Барчинларга қондош қизингман, Ватан. СИЗ БИЛАН

Сирларим сиз билан бўлгим келади, Ярим ой бағрига тўлгим келади.



Бир зум қошингизда дардингиз тинглаб, Ҳокисор бир ҳамроҳ бўлгим келади.

Қўзингиз тубида толикан ўйлар, Дилингиздан достон, ҳикоя сўзлар. Қалойнгиз интиқдир Ҳақ висолига, Оллоҳдан туну кун ҳидоят бўзлар.

Майли, кўлингизга берай кўлними, Ёлиз дилингизга тутай дилимни. Кечинг тиканлардан, бермасин озор, Сонга этай ўзим гулзор йўлумини...

Синовда синаши санамлар билан Юрагингиз гаров олгим келади. Ҳатто Байтуллоҳга бориб пиёда, Жаннатда сиз билан қолим келади...

**МУҲАББАТ ТАХТИГА  
ДАЪВОГАР**

Муҳаббат тахтига давлар ўзим, Ишқининг растида садовор ўзим. Юлдузлар базмига бўлдим мөхмон, Юлдумиз тополмай саросар ўзим.

Бунчалар бераҳм ишқ деган жаллод, Қиркимда кирк жоним кирккан ҳам ўзим. Навқирон санамдек кўнглим безовта, Илоҳий бир ишқни кутган ҳам ўзим.

Оҳ, юрак бунчалар қайсар бўлмаса, Бемаврид жомлари ишқа тўлмаса. Жоним кетар бўлди чиқиб кўксимданд, Ўлсам-да не ажаб, ул ишқ ўлмаса.

Сирларимни сотиб кўяр гоҳ кўзим, Дардимни дилимга яширган ўзим. Гоҳида тилимга келмайди бир сўз, Кўёшдай қизариб кетади юзим.

Муҳаббат тахтига давлар ўзим...

бекатгача элтиб қўйишини гаплашувдим, аммо шундик ўйлак ёнигача физиллатиб олиб келиб қўйди...

Хали Дилфузанинг гапи тугамай, Марҳабо опа кизининг раҳбари туғтан ўйлуни мақтасини ҳам, норози бўлишини ҳам бўйлар турганида, эшик кўнғигро жиринглади. Иномжон ака остоғандан кирибок, қизига қаради:

– Қизим, бўлақол, тезроқ кийимингни алмаштирик!

– Дадаси, норинни қаҷон тўғраб бўласизлар?

Соат бешдан ошиди, балки жўжа қовуриб кўялганни мактасидан!

Аммо қайсар Иномжон ака хотининг эзтироzi чивин чақанчалик таъсир қўлмади. У дарроҳ кийимини алмаштириб, ошхонага кириб кетди. Эрининг феълини яхши билган Марҳабо опа гапни кўпайтиримай, дастурхоне безатига киришиди.

– Бекор қилишади, катталар ҳам Қорбобoga ишонишлари керак! Мана, мен келдим-ку!

Қорбобо зарқоздан қилинган ҳалтакани яна унга узатганида, Марҳабо опанинг йўлакда узоқ қолиб кетганидан ажабланган Иномжон ака ўрнидан турбий, эшикка яқинлашиб. Дадасининг ортидан

Дилфуз ҳам йўлакка чиқди.

– Бекор қилибди-ку! – деди кутилмаган мөхмонини Иномжон ака.

– Қани, ичкарига кириш, бирга байрамни нишонлаймиз!

– Узр, энди мен борай – кутилмаган кетишига шошилиб қолди “мехмон





## ЯНГИ ЙИЛ ҲАЗИЛЛАРИ



## ФУТБОЛ ТЎПИ ҲАҚИДА КИМ ҚАНДАЙ ЁЗАДИ?

Янги йил арафасида Қатарда футбол бўйича бўлиб ўтган навбатдаги Жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Муросасиз баҳсларга бой бўлган мусобақа мухлисларга узоқ вақт унтилимайдиган, завқ-шавққа тўла кувончи ҳада этди. Айниқса, финалда – Франция ва Аргентина ўйинидаги аргентиналикларнинг ҳалол ғалабаси кўпчилик мухлисларни ҳайратга солди.

Янги йил оқшомида бир гурух ижодкорлар номидан “Футбол тўпи ҳақида ким қандай ёзади?” мавзусида байрам ҳазилини қоғозга тушириш дик. Марҳамат!



**ИброҳимFaufurov:**

Мен ҳеч қачон тўп телишига асло ишқибоз бўлмаганим. Биронинг дарвазасини ҳам нишонга олмаганим. Аксинча, маҳорат ва жасоратни тўппепарларни ҳамиша кўллаб-куватлаб келаман. Бъаъзан ўйлайман: тўп тепиш маҳоратларини жаҳон чемпионатларида ҳам дунёга намойиш этсалар, койил колар эди.

Менинг ёшимда тўп тепгандан кўра, тўпга бағишил мансура ёзганин маъкул. Эҳтимол, у эссе бўлар, ё бир китобга айланар. Билмадим...



**Маҳмуд Тоир:** – Мен тўпдан кўра голни маҳорат билан урган зўр ўйинчини мадд этиб, мактаб унга ҳақида ёзгим келади. Гол уролмайдиган ўйинчининг ёки тегпандага гол бўлмайдиган тўпнинг нима кераги бор?

Иложи бўлса, тўпни чумолининг инидан узоқда ўйнаш керак. Акс ҳолда тепилган ёки юмалаб кетган тўп сабаб чумолининг гуноҳига қолиши мумкин. Футбол ўйинини кўриб ўйлайман: ишқишил стадионда чумолининг ини бўйласин-да!



**Эркин Азам:** – Стадионни, футбол ўйинини, тўпни эсласам, бошимда шовқин бошланади. Шовқин! Шовқин!!

Шовқин!!! Гол бўлса ҳам шовқин бўлмас.... Футболни “Байрамдан бошқа кунлари” кўрса бўлади. Чунки байрам кунлари ҳам шовқин-да, жўра. Биз, шовқинни яхши курдимиз, шовқиниз яшомлаймиз. Яхши, ибратли ва бъаъзан кўнглимиз тўлмайдиган ишларни ҳам шовқин билан амалга оширишина афзал курдимиз. Нега футбол ўйинларида тез-тез гол бўлмайди? Бунинг ҳам сабаби шовқин-да! Тўп шовқиндан қочади.



## БОЛАЛАР БЕКАТИ

## БОҒЧАТА ЙИЛ ОЛАЙЛИК

## Нуруллоҳ ОСТОН



**АЁЗ**

Қойил қолдим Фаёзга,  
Парво қилмас аёзга.  
Мен-чи қишига ўйроқман,  
Баҳор, аёзга ўйроқман.  
Фаёзга союв қўяр,  
Менинг-чи, бурним оқар...

## КУШЛАР БОҒЧАСИ

Чумчук, Тўрғай, Попиашак,  
Илдам-илдам чолишишак.  
Кўклам созин чалайлик,  
Боғчага йўл олайлик.  
Унда боғча опамиз,  
Кутар Загча опамиз!

## ҮГИТ

Иссиқ уйга тикилиб,  
Ётаверма сиқилиб.  
Кўчага чиқ иш ноги,  
Хозир айни қиши чоги.  
Соф ҳавода тиникин,  
Нимжон ўйлана, чиникин.  
Аёз билан ярашгин,  
Корбобога қарашгин!

## СУЮНЧИ

Янги меҳмон опкелдик,  
Беланчакка сопкелдик.  
Аразни ҳам билади,  
Кўл силикити купади.  
Ўзи яхши ўйинчи,  
Беринг энди суюнчи!

## ХУМЧОЙНАК

Чойга кетиб хумчойнак,  
Қайга бўлди гум чойнак?  
Хабар олса Рўйчича,  
Ошонада ўзича  
Чинн билан жиринглаб,  
Турган экан ҳиринглаб!

## ТАДБИРКОР УСТА

Бузилса қай нарсангиз,  
Мени излаб борсангиз,  
Тузатаман котириб,  
Тенг ярмини ортириб.  
Мендек асл устадан,  
Чикар битта юзтадан!

## ХЎРАК

Хўрак излаб балиқка,  
Бордик сувсиз ариқа.  
Ерга урсам белкурак,  
Анча чиқди, денг, хўрак.  
Бокмай орқа-ўнг томон,  
Отиб турдим дўнг томон.  
Қанча бўлди, сўрасам,  
Дўнгда турган ўроздан  
–Сўранг, – дейди, – хўракни,  
Териб ёган хўроздан!

## ЧАРХПАЛАК

Ариқда сув шилдирар,  
Чархпалигем филдирар.  
Наф тегсин деб экинга  
Сув чиқарар текинга.

## ХЎРОЗҚАНД



Қизилгина тожим бор,  
Бозорда хироҳим бор.  
Шириントйман, маззаман,  
Хўроздан андозаман.  
Хўрозда бироз қанд,  
Ўзи отим Хўроздан.

## КИМ ЯШАЙДИ

Боқсан катта хонада,  
Қирқта калиш турити.  
Ким экан қиши паллада  
Бунча базм қурипти?

## МАДАНИЯТ ВА МА҆РИФАТ

## ТЕЛЕКАНАЛИ – 10 ЁШДА!

Маданият деганда, дастлаб адабиёт, мусиқа, бадий тасвир, мевморчилик, рақс, театр ҳамда кино санъати кўз олдимишга келади. Бугунги айтадиган сўзимиз айни мавзуларнинг катта мушоҳада майдонига айлануб улугурган ва барчамишга қадрдан бўлиб қолган “Маданият ва ма҆рифат” телеканалини хусусида.

## МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Севимли телеканалимиз 10 йил муқаддам, янги йил байрами арафасида ташкил этилган эди. Дастрлабки эфир жараёнда билдирилган фикрлар, мулҳозазалар ҳали-ҳануз эсмиди. Элимиз сўйган санъаткорлару ижод ахлининг тўлқинланиб, ҳаяжон или айтган умидбажх сўзлари бугун чин маънавий оламини бойитишига хизмат қиласи.

Рост, бугун телеканаллар сони ортган ва бу жараён маънум маънода теледастурлар сифатига ҳам ўз таъсирини ўтказмайлинига. Телеканаллараро эфирга узатилётган бир қанча кўрсатувни фақат исмиди фарқ бўлган ўйғун эзизлакларга менгизаш мумкин. Аммо “Маданият ва ма҆рифат” телеканалининг бир-бидардан мазмундор дастурларини кўриб, унинг ўз номи ва маслагига содик ҳолда фаoliyat олиб бораётганига гувоҳ бўлиши кийин эмас.

Ўзим “Қақнус” дастурини меҳр билан кузатаман. Аммо “Мен билган ҳақиқатлар” номли кўрсатувнинг бирорсонни кўрган киши борки, телеканалнинг гойбонга мухлисига айланади. Шунингдек, “Маҳорат дарси”, “Дунё адабиёт”, “Тундаликлар”,



Янги йилимиз “Инсонга ўтибор ва сифатли таълим йили” деб номланди. Демак, биз севгян телеканал келгуси йилда ҳам давлат дастурига биноан ўз шижоатини наимоён этаверади.

**Ориф ТЎХТАШ,**  
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

## ЭЪЛОН

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси профессионал ижодкорлар ўртасида “Посбониман муқаддас юртнинг” шеърлар ва ҳикоялар танловини Эълон қиласи.

Танлов ҳарбий хизматчилар ўртасида ватанпарварликни янада ошириш максадида ташкил этилган.

Ижодий ишлар 2022 йилнинг 28 декабридан 2023 йилнинг 9 январигача @ Pospolitan2022 телеграм манзили орқали кабул қилинади.

Танловга олтилагача шеър, битта ёки иккита ҳикоя юбориш мумкин. Аввал голиб бўлган ёзувчи-шоирлардан ижодий ишлар кабул қилинади.

Кўшимча маълумот учун телефон рақами: 71-231-24-46.



## ШУКУҲЛИ ОНЛАР

Дўстгинам, янги йил ҳам келаётir, Бегубор қалбингни тарқ этмасин завқ. Буюк келажакни курмоққа қодир, Гайрати жўш уриб турар буюк ҳақл.

Булбул ўз гулшанин куйлайди сайраб, Юртимни мадҳ этиб айтай тилак сўз! Озод шу гулшанда яшайман яйраб, Тилагим, юртимга тегмасин ҳеч кўз.

Яшил маконингда гуркираб ўтсан Ҳар битта ниҳолда меҳр изи бор. Эртанди кун учун режалар тузган ёшларда кўраман гайрат, иқтидор.

Юрт узра ҳиллирар Ватан байроби, Бахт ҳисси кўзларда ёрқин намоён. Мисқоли зар бўлган ўзбек тупроғи Эрта кун мул ҳосил бермоги аён.

Ўзбегим, фарҳа эттил, кўргонинг бутдир, Ҳар аскар мардлика миллат гавҳари. Асал боғларингда барақа, кутдир, Сен дадил боқ энди келажак сари.

Гўё қанот қоқиб келар Янги йил, Бир зум кетменингни ерга кўй, дехқон. Шукуҳли бу онлар энг нурли манзил, Биз ошиш турибмиз яна бир довон.

Янги йил, юрт узра ташлайвер қадам, Мен кутган бир интик, интизор он бу. Қадамларинг бўлсиз алпона, шаҳдам, Янги йилни кутган ўзбекистон бу.

Анвар ТОҒАЕВ

## ОГОХЛИК

## БАРЧА БИРДЕК МАСЬУЛ

Ёнинг аталимиш оғат, асосан, эҳтиёт-сизлик оқибатида рўй беради. Айниқса, болаларнинг назоратиз қолдирилиши муджиҳ оқибатларга олиб келади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқароларга ёнгинар олдини олиш борасидаги тушунириши ишлари нафақат юнинг хавфисизлиги хизмати ходимларининг барори.

Бола онгига ўт балоси ҳақида тасаввур уйғотиш унинг иштироқида содир бўлайтилган нохуш ҳолатлар камайишига ижобий таъсири кўрсатилиши табиий. Бу борада ёнгинар хавфисизлиги хизмати ходимларининг мактабгача тарбия мусассалари тарбияланувчилари билан ёнгинар хавфисизлиги қоидларни, талафотнинг олдини олиш чоралари ҳақида жонли саҳналаштирилган лавҳалар, кўргазмалар куроллар ёрдамида учрашувлар, давра сухбатлари ўтказиш мақсадга мувоффикар. Ахоли турар жой биноларингда ёнгинар хавфисизлиги ҳолатларини текшириш, мавжуд камчиликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш юз берадиган фалокатнинг олдини олади. Бундай назоратларнинг махалла фаоллари иштироқида ўтказилиши ва жойида таъхида қилинши худудда истикомат қилинадиган ахолининг мол-мулки ҳамда соглиғига пуртур етказмаслигини тавъимлийди.

Фарзандларимизни, мол-мулкимизни ёнгинар оғатидан муҳофаза қилиш ҳар бир оила, маҳалла, корхона, ташкилотларнинг кундаклиқ вазифаси бўлиб қолмоғи, бу борада барча куч ва имкониятлар ишга солинмоғи шарт.

Элёр МАҲМУДОВ,  
Қарши тумани ИИБ ХРБ  
профилактика инспектори,  
капитан



ISSN 2181-6140



O'zbekiston  
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:  
ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:  
jizo  
akfa

Бош  
мухаррир  
ўринбосари  
Бахтиёр  
ХАЙДАРОВ

Таҳририятга келган кўлжемалар таҳжил этилмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланшини мумкин.  
Масъуд котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навојати мухаррир: Шуҳрат АЗИЗОВ  
Сахифаловни: Нигора ТОШЕВА  
Газета 2014 йил